



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

### БУГУНГИ КУН ТАЪЛИМИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

**Эсанбай Омонмуратович Бабаев**

*Сирдарё вилояти Оқолтин тумани касб-хунар мактаби директори*

**Ўлжаева Ойсулув Тўйчиевна**

*Оқолтин тумани*

*6-сонли мактаб директори*

**Мадинов Нуриддин Хайруллаевич**

*Сирдарё вилояти Оқолтин тумани касб-хунар мактаби директори ўринбосари*

**Мадинов Ботир Хайруллаевич**

*Оқолтин тумани*

*касб-хунар мактаби услубчиси*

**Аннотация:** *Мақолада бугунги кун таълим қандай бўлиши кераклиги, таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишида нималарга аҳамият бермоқ ва бугунги кун ўқитувчиси қандай бўлмоғи лозимлиги ифодаланган.*

**Таянч сўзлар:** *Таълим, тарбия, жамият, профессионал фаолият, ўқув-тарбия, гоя, ижтимоий интеллект, экологик маданият, ташаббус, ижодий тафаккур.*

Таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, ўқитувчи ва домлалар учун методик қўлланмаларни илғор ҳалқаро мезонларга мослаштириш лозим. Болаларнинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш зарур.

Таълим ҳозирги кунгача инсоният тафаккури ила барча замонларда тўпланган билимларни умумлаштириш билан машғул бўлган ва олам қандай яралган? Инсоннинг моҳияти нимадан иборат? Таълим узлуксиз жараён бўлиб, унинг асосида нафақат тўпланган билимларни ўрганиш, балки тафаккурни кенгайтириш вазифаси ҳам ётади.

Жамият ҳаётининг ўзгариб бориши таълим-тарбияни харакатлантирувчи кучдир, муваффақиятли таълимнинг энг муҳим белгиси эса – жамият ва инсоният таррақиёти талабларига жавоб бера олишдир. Учинчи минг йилликнинг ижтимоий-маданий воқелиги – глобаллашув, информатизация, фан-техника таррақиёти, инсониятнинг маънавий-ахлоқий кадриятларини қайта кўриб чиқишга интилиши, фуқаролик жамиятларининг таркиб топиши – буларнинг барчаси таълим-тарбия методологиясини ўзгартириши, янгича эстетик дунёқарашни шакллантиришни тақозо этади.

Ижтимоий ўзгаришлар инсон, жамият ҳамда таълим олдига янги вазифаларни қўяди.

Замоннинг бу хусусиятларига жавоб бера олиши учун бугунги кун таълими қандай бўлиши керак? Бугунги кунда барча мамлакатларда таълим соҳасида улкан ислохотлар олиб бориляпти. Ислохотларнинг асосий кўринишлари сифатида



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

қуйдагиларни санаб ўтиш мумкин:

- узвийлик (шахсий имкониятларни муттасил ривожлантириш, узлуксиз таълим олиш тамойили АҚШ, Япония, Германия, Ўзбекистон каби кўплаб давлатлар миллий таълим тизимларида қўлланиляпти);

- инсонпарварлашув (Маслоу, Бехтерев, Ушинскийларнинг гуманистик қарашлари, инсон шахсига хурмат, шахс камолоти, умумпланетар аҳамиятга молик муаммоларга эътибор, мутахассисларнинг ўз профессионал фаолияти учун ахлоқий жавобгарлик хиссини кучайтириш);

- ижодий патенциални ривожлантириш (Жамият ривожини hozirgi босқичида креатив, ностандарт фикрлайдиган, фан, техника ва иқтисодда янги усул ва йўлларни топа оладиган, ташаббус кўрсатадиган изланувчан кадрларга эҳтиёж тобора ортмоқда. Муаммонинг ечими шахснинг ижодий тафаккурини шакллантириш масаласига бориб тақалади);

- демократлашув (Айнан таълим инсонларнинг демократик жамиятда яшаш кўникмалари, сиёсий-ҳуқуқий билимлар билан куруллантirmoғи, фаол фуқоролик позициясини шакллантирmoғи, ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашmoғи, ёш авлодда ватанпарварлик, фуқаролик, дунёвий онг, миллий кадриятларга толерант муносабат, инсон ҳуқуқларига хурмат туйғуларини шакллантириш лозим);

- фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви (Замонавий таълим жараёни, ўқув дастурларининг мазмуни давлатнинг инновацион ўзгаришларига, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига монанд бўлиши зарур).

Ушбу мақсадлардан келиб чиқиб таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда нималарга аҳамият бермоқ лозим?

Таълим муассасалари муайян мақсадларга эришиш йўлида бошқариладиган ижтимоий тузилма эканлиги эътиборга олинса, улар фаолиятини самарали ташкил қилмоқ учун корпоратив бошқарувнинг энг муҳим тамойилларини ўрганиб чиқиш ва фаолиятга татбиқ этиш мақсадга мувофиқлиги англашилади.

Фаолиятни ташкил этишнинг муҳим омили тизимли менежментлар.

Унинг муҳим хусусиятлари қуйдагилар:

- Тўғри қарорлар қабул қилиш;
- Мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаш;
- Бошқарувга инноватцияларни татбиқ этиш;
- Кучли команда шакллантира олиш;
- Ҳар бир ходимнинг ўз имкониятларини намоён этишга шароит яратиш;
- Ички аттестатция ўтказиб туриш, кадрлар компетентлигини ўрганиш;
- Кадрлар таркибини тизимли янгилаб, ёшартириб туриш;
- Корхона имиджини шакллантириш;



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

● Ички назоратни йўлга қўйиш, яъни эришилганларни ўлчаш ва кутилган натижалар билан солиштириш. Албатта бунда корхона тақдири учун маъсулиятни ҳис этадиган, ўз вақтида ва тўғри қарор қабул қила оладиган, қаътиятли, адолатпарвар, харизматик лидерларнинг роли жуда муҳим. Самарали фаолиятнинг муҳим омилларидан бири барча томондан қабул қилинган аниқ мақсадларқўйиш, иш режаси ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишдир.

Режалаштириш – муассаса аъзоларининг саъй-ҳаракатларини умумий мақсадларга эришишга йўналтиришдир. Ишни режалаштириш вазифаларни белгилаш, фаолиятни мувофиқлаштириш, самарадорликни аниқлаш, муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, имкониятларни сафарбар этиш, шунингдек, меҳнат ресурсларини тўғри тақсимлашга ёрдам беради. Режада вазифаларнинг муддатлари, ижрочилари ва натижалари аниқ кўрсатилиши керак. Оптимал шароитда ҳар бир муассаса ўзининг истиқбол режасига эга бўлиши лозим. Муассасанинг самарали фаолиятида ижобий соғлом муҳит катта аҳамиятга эга.

Шу жиҳатдан олганда, жамоанинг ҳар бир аъзоси учун бирдек муҳим бўлган умумий кадриятлар тизимини, корпоратив маданият нормаларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ушбу нормалар сифатида қуйдагиларни тавсия қилиш мумкин:

- Муаммолар ечимини биргаликда излаш;
- Ўзаро ҳурмат, ўзаро ишонч ва ўзаро ёрдам;
- Яхши анъаналарни кадрлаш;
- Юмор ва кўтаринки кайфият;
- Тўғри ва очиқ муносабат;
- Шахсий камолотга интилиш;

● Ходимлардаги профессионализмни, ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш. Муассаса самарали фаолиятининг асосий манбаи – меҳнат ресурслари, шу жумладан умумий стратегик манфаатлар йўлида ҳаракат қилувчи жамоа, кучли команда. Кучли уюшган жамоани шакллантира олиш раҳбардан катта маҳорат ва интуицияни талаб қилади. Бунда ҳар бир ходим томонидан ўзининг ўрнини аниқ ҳис қилиши, ўзаро ишонч, самимият ўта муҳим. Идеал шароитда жамоанинг ҳар бир аъзоси ўзи ишлаётган муассаса билан фахрланиши, уни ўз уйидай ҳис қилиши ва қандай лавозимни эгаллашидан қатъий назар, маъсул раҳбардек фикрлаши, ҳаракат қилиши лозим. Таълим муассаса ҳаёти – таълим-тарбия жараёни субъектлари – маҳалла, мактаб, оила, жамият, ҳамкорлар иштирокидаги мураккаб ижтимоий жараён дур. Шу жиҳатдан улар ўртасида позитив дўстона муҳит ўрнатиш ўта муҳим.

Замонавий мактабда уни ташкил этувчи унсурлар каторида (бино архитектураси, интерьер, кадрлар тизими, ўқув тарбия жараёни) шахснинг бадий, эстетик, ахлоқий дунёқараши, тасаввурлари дидининг шаклланишига хизмат қиладиган эмоционал фонни яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Зеро, гўзалликтуйғусини



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

сигдирмай туриб тўлақонли баркамол инсонни вояга етказиш мумкин эмас.

Ҳақиқий ютуққа эришиш учун қадриятларни эълон қилиш етарли эмас, уларни иш жараёни мазмунига аста-секин сингдириб бориш керак. Бугунги кун ўқитувчиси қандай бўлмоғи лозим?

Бугун ўқитувчилар, профессионал жамоатчилик умумий мақсадлар (ўзаро тажриба алмашиш, таълим сифатини ошириш, муаммолар ечимини излаш) йўлида ҳаракат қилмоқдалар. Таълимнинг сифати унда фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасидан юқори бўла олмайди. Зеро ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий нарса муаллим, унинг тафаккур дунёсидир.

Замонавий ўқитувчидан талаб этилаётган асосий хислатлар – асрмизнинг жадаллиги ва юксак суръатларига монанд бўлиш, кенг кўламдаги ўзгаришлардан воқиф бўлиш, дунёвий интеграциянинг фаол субъектига айланиш, мунтазам касбий билим ва кўникмаларни ошириб бориш, таълимнинг янги қадриятларини англаш ва қабул қилишдир. Бу эса янги билимларни ўрганиш заруриятини пайдо қилади.

Бундай шароитда кадрлар тайёрлаш тизим – малака ошириш, мутахассисларни қайта тайёрлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш катта аҳамиятга эга. Андрогогика – катталар таълими тез суръатларда ривожланиб бормоқда. Асрмизнинг концептуал хусусиятлари ўқитувчиларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, уларни энг илғор технологиялар ва психологик-педагогик, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий билимлар билан таништиришга хизмат қиладиган мазкур тизим олдига ҳам янги талабларни қўймоқда.

Хозирги пайтда тизимда ўқув-тарбия жараёнининг самарали ўтишида қуйдаги унсурлар муҳим роль ўйнамоқда:

- юксак ахлоқий-гуманистик ғояларга таянувчи, соҳасида юқори компетенцияга эга, илм-фаннинг энг янги ютуқларидан хабардор малакали ўқитувчи-тренерлар;
- мультимедиа воситалари, зарур илмий-методик адабий, кўргазмали воситалар
- таълим олиш учун ҳар жиҳатдан қулай ва комфорт шароит;
- ўқитувчининг жисмоний-руҳий, ақлий-интеллектуал потенциали;
- илмий асосланган, ўқитувчининг педагогик, дидактик, методик, тарбиявий, ахлоқий билимлар арсеналини бойитадиган умумметодик таълим дастурлари.

Шундай қилиб, бугунги кун таълими бир мақсадга – инсонларнинг маънавий-ахлоқий ва профессионал қиёфаси тез суръатларда ўзгариб бораётган дунёнинг концептуал талабларига мос бўлишига йўналтирмоқда. Бугун инсоният тафаккурида технократик ёндашув яққол кўзга ташланмоқда. Дунё ҳамжамиятини қийнаб турган глобал сиёсий, иқтисодий, экологик муаммолар билан бирга маънавий хатарлар – гуманизм, дунёвий онг, толерантлик туйғуларини сусайгани, ижтимоий интеллектнинг йўқола бошлагани тилга олинмоқда. Буларнинг барчаси таълим-тарбияда устувор этиб гуманистик ғояларни химоя этиш, эзгулик, инсонпарварлик ғоялари остида



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

баҳамжиҳат яшашни ўргатиш, ижтимоий интеллект, экологик маданият, ўз хатти-харакати ва қарорлари учун жавобгарлик ҳиссини таркиб топтириш вазифасини қўймоқда. Зеро инсон учун билим олишнинг ўзи кифоя эмас, олинган билимни тараққиёт йўлида сарфлашни ҳам билмоғи керак.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Мурожаатномаси ҳамда Ўзбекистон Ёшлари форумида сўзлаган нутқидан Иқтибослар "Тошкент" 2021
2. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистонда Эркин ва Фаровон яшайлик "Тошкент" 2021
3. Острогорский В.П. Письма об эстетическом воспитании. М.1990
4. Материалы Всемирного форума по образованию. ЮНЕСКО, 2000.
5. Ўзбекистонда минг йиллик ривожланиш мақсадалари. Е. 2004
6. Таълим технологиялари илмий-услубий журнал. 2010